
Сайёр қабуллар: муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми

Қува туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) нинг Фарғона вилояти минтақавий вакили Алишер Камилов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува туманидаги Халқ қабулхонаси мудирини М.Мўйдинов ҳамда туман ички ишлар бўлими бошлиғи И.Хусановлар иштирокида Сўфи маҳалласи ҳудудидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида йиғинида “Сайёр қабул” ўтказилди.

Ўтказилган қабулда ҳоким ўринбосарлари ҳамда тумандаги идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Қабул чоғида фуқароларнинг мурожаатлари бирма-бир тингланди. Очиқ ва самимий мулоқот тарзида кечган қабулда уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, имтиёзли кредит олиш ва шу каби бошқа масалаларга оид мурожаатлар кўриб чиқилди.

Қабул давомида барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, масъуллар томонидан мурожаатлар жойида ҳал этилиб, айрим мурожаатларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди. Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

2023-02-21 18:35:04